



## SPECIFIC DIFFICULTIES OBSERVED IN THE PROCESS OF LITERACY TRAINING OF KORAKALPOK STUDENTS IN A SPECIALIZED SPECIAL SCHOOL

*Arukhan Utebaeva*

*lecturer*

*Tashkent State Pedagogical University*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** mentally retarded students, literacy, special school, Karakalpak language, educational process, correction, mental retardation, special textbook, educational program.

**Received:** 23.05.23

**Accepted:** 25.05.23

**Published:** 27.05.23

**Abstract:** The article describes the work on teaching literacy of mentally retarded schoolchildren in the Karakalpak language and the problems of effective organization of this process and recommendations for their elimination.

## ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАХСУС МАКТАБ ДА ҚОРАҚАЛПОҚ ҮҚУВЧИЛАРИНИ САВОДГА ЎРГАТИШ ЖАРАЁНИДА КУЗАТИЛАДИГАН ЎЗИГА ХОС ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

*Арухан Утебаева*

*ўқитувчи*

*Тошкент давлат педагогика университети*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** ақли заиф ўқувчилар, саводга ўргатиш, махсус мактаб, қорақалпок тили, таълим жараёни, коррекция, ақли заифлик, махсус дарслик, таълим дастури.

**Аннотация:** Мақолада қорақалпок тилида таълим олувчи ақли заиф ўқувчиларни саводга ўргатиш ишлари ва ушбу жараёнини самарали ташкил этишдаги муаммолар ва уларни бартараф этишга доир тавсиялар ёритилган.

## КОНКРЕТНЫЕ ТРУДНОСТИ, НАБЛЮДАЕМЫЕ В ПРОЦЕССЕ ОБУЧЕНИЯ ГРАМОТНОСТИ КОРАКАЛПОКСКИХ УЧАЩИХСЯ В СПЕЦИАЛЬНОЙ СПЕЦИАЛЬНОЙ ШКОЛЕ

*Арухан Утебаева*

*преподаватель*

*Ташкентский государственный педагогический университет*

*Ташкент, Узбекистан*

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** умственно отсталые учащиеся, обучение грамоте, специальная школа, каракалпакский язык, учебный процесс, коррекция, умственная отсталость, специальный учебник, образовательная программа.

**Аннотация:** В статье описывается работа по обучению грамоте умственно отсталых школьников на каракалпакском языке и проблемы эффективной организации этого процесса и рекомендации по их устранению.

### КИРИШ

Ақли заиф болаларнинг ихтисослаштирилган маҳсус мактабда таълим олиш жараёнини муҳим босқичларидан бири бу саводга ўргатиш жараёнидир.

Ушбу босқич давомида улар нафақ ўқиши ёзиши ўрганадилар, балки эшитув идрокини ривожлантириш, нутқининг фонетик-фонематик томонини коррекциялаш, сенсомотор соҳадаги камчиликларни коррекциялаш ишлари олиб борилади.

Саводга ўргатиш босқичи таълим ва коррекция жараёнининг муҳим бўғинихамдир. Чунки ақли заиф болалар томонидан ўкув давомида мактаб материалларини ўзлаштириш сифати ушбу босқичнинг вазифаларини муваффақиятли амалга оширишга боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида болаларнинг ижтимоий мослашув самарадорлигини оширишга ҳам хизмат қиласди.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Ихтисослаштирилган маҳсус мактабда саводга ўргатиш ишларини олигофреноредагогиканинг принцип, метод, усуллари, ташкилий формалари асосида амалга ошириш зарурлиги олимлардан Г.М.Дульнев, Х.С.Замский, А.Н.Граборов, М.Ф.Гнездилов, В.Г.Петрова, А.К.Аксёнова, В.В.Воронкова ва бошқалар олигофреноредагогикага оид адабиётларда таъкидланган.

Қорақалпоғистон Республикасида бошланғич синфда болаларни саводга ўргатишга оид ишлар Қ.Пирниязов, А.Қ.Пирниязов ва Қ.Бекниязов томонидан олиб борилган. Умумтаълим мактабларида саводга ўргатиш дарсларини түғри ташкил этиш принциплари, метод ва усулларини ўз тадқиқот ишларида кўрсатиб ўтганлар.

Маҳсус она тили методикасига доир адабиётларда М.Ф.Гнездилов, З.Н.Смирнова, А.К.Аксёнова, В.В.Воронкова, Г.И.Данилкина, Л.В.Занков, В.Г.Петрова, К.К.Омирбекова,

В.С.Рахманова, Н.В.Соседова ва бошқалар фикрича ўқувчиларни ўқиши ва ёзишига ўргатиш учун она тилидаги товушларга ва уларни ёзувда ифода этиши системасига мувофиқ келадиган, ақли заиф ўқувчиларининг психик хусусиятларини, шунингдек мактабга келган болаларнинг ўзлаштириш қобилиятынни ҳисобга оловчи, маҳсус муассасанинг таълим ва тарбия вазифаларига тўлиқ жавоб бера оладиган усуслар бўлиши керак. Бундай усул -тахлил таркиб товуш усулидир [1].

«Хозирги замон тахлил -таркиб асосидаги товуш усули ўқувчиларни  
ҳар томонлама камол тортириб бориш, дунёқарашини кенгайтириш, маърифатли -  
маънавиятли қилиб тарбиялаб боришни ҳам назарда тутади.

Ихтисослаштирилган маҳсус мактаб ўқувчиларини тўғри ўқишига ўргатиш учун уларнинг психологик хусусиятлари, иш қобилияти, қизиқиши, имкониятлари каби ва бошқа руҳий ҳолатларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатиб, ўз асарларида бу ишни ташкил этиши шакллари, тамойиллари, усусларини ёритиб берганлар.

Ўзбекистонда ақли заиф болаларни саводга ўргатиш жараёнлари В.С.Рахмонова томонидан ишлаб чиқилган “Ақлий ривожланишида нуқсони бўлган ўқувчилар таълим олаётган ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаблар учун она тили, ўқиши, нутқ ўстириш ўкув дастури” асосида олиб борилади. Ушбу дастурда ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларга қўйиладиган талаблар, таълимий ва тарбиявий вазифалар, мақсадлари келтирилиб ўтилган.

Юқорида келтирилган маълумотларнинг тахлили шуни кўрсатадики ақли заиф болалар билан педагогик – коррекцион ишларнинг олиб борилишига, таълим – тарбия жараёнларини тўғри ташкиллаштиришга оид изланишлар чет давлатларида ва Ўзбекистонда бир қатор олимлар томонидан олиб борилганлигини тасдиқлайди.

Лекин бу каби тадқиқот ишлари Қорақолпоғистон Республикасида олиб борилмаган. Бу эса интеллектида нуқсони бўлган болаларни саводга ўргатиш ишлари болалар томонидан самарали ўзлаштиришда орқада қолишларни кўрсатмоқда.

Қорақалпоқ тилининг тил хусусиятлари қатор олимлар томонидан ўрганилганлигига қарамай ҳозирги кунга қадар ақли заиф болалар таълими учун мослаштирилган маҳсус дарсликлар ишлаб чиқилмаган.

Қорақалпоғистон Республикасида интеллектида нуқсони бўлган ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш учун дастлабки таълим муассаси 1978- йилда Хўжайли туманида 3 – сонли ёрдамчи мактаб интернати сифатида ўз фаолиятини бошлаган. Орадан ўн йил ўтгач, яъни 1988 – йилда 3 – сонли Республика маҳсус мактаб интернатига айлантирилди. Ҳозирги вақтда эса ихтисослаштирилган ақли заиф болалар мактаб

интернати сифатида ўз фаолиятини юритиб келмоқда. Охирги 4 йил ичидә 2016 – 2017 ўкув йилида 200 нафар ўқувчи, 2017-2018 ўкув йилида мактабда 251 нафар ўқувчи, 2018-2019 ўкув йилида 260 нафар ўқувчи, 2019-2020 ўкув йилида 272 нафар ўқувчи таҳсил олаётганини кўрсатишмиз мумкин. Ушбу рақамлардан қўриниб турибдики ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабга қамраб олинаётган болаларнинг сони йилдан йилга ошиб боряпти.

Қорақалпоғистон Республикасида қорақалпоқ тилини ўқитиш ишлари бўйича С.Мажитов, К.Убайдуллаев, А.Есемуратов, А.Даўлетов, Д.С.Насыров ва бошқалар қатор тадқиқот ишларини олиб боришган.

С. Мажитов қорақалпоқ тилидаги ўқиши китобларини яратишида ва лотинча қорақалпоқ алфавитининг лойиҳасини яратишида ўз фаоллигини кўрсатган. 1925 – йилда чиқазилган энг биринчи қорақалпоқлар учун араб алфавитидаги алифбо китобининг муаллифи.

А. Есемуратов асосан қорақалпоқ тилини ўқитиш масалаларига оид изланишлар, тадқиқотлар билан шуғулланган. Қорақалпоқ тили бўйича мактаб дарсликларини яратиш ишлари билан шуғулланган. У 10дан ортиқ мактаб дарсликлари, дастур ва услубий қўлланмаларнинг муаллифиҳамдир.

К.Убайдуллаев ва Д.С.Насыровлар, А.Давлетов қорақалпоқ имлосини тузишида, унинг алфавит ва орфографиясини, фонетик хусусиятларини такомиллаштириб, бир системага солишида илмий изланишлар олиб боришган.

Чет эл олимларидан И.М.Плоткина, Э.Ф.Соботович ва Г.А.Игонинанинг асарларида ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларда ёзувдаги бузилишларини ўрганишида энг кенг қамровли ёндашув таъкидланган.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ҳарфлар қаторини шакллантириш функцияси ақлий заиф бўлган ўқувчиларда сўз тузилишини таҳлил қилиш ва синтез қилишнинг бузилишига олиб келадиган ақлий жараёнлар (эшитиш дикқати, эшитиш хотираси, нуткий тафаккурнинг баъзи операциялари) натижасида хосил бўлади. Бундан ташқари, лингвистик омиллар ёзувнинг бузилиш механизмларига таъсир қиласи: сўзнинг овозли-бўғинли тузилиши, бўғинли конструкцияларнинг мураккаблиги, товуш қаторининг узунлиги.

Кўпгина олимлар ёзувнинг бузилиши ақлий жараёнларнинг шаклланиши, оғзаки нутқининг ва ритмик ҳиссиётнинг, эшитув идрокининг, қўл ҳаракатларининг бузилиши билан боғлайдилар.

Бу тоифадаги болалар билан коррекцион ишларни ташкил этишда ўқитувчи томонидан саводга ўргатишнинг турли омилларини ҳисобга олишлари керак.

А. М. Богуш, Л. И. Божович, Е. В. Бунеева, Р. Н. Бунеев, Н. В. Дурова, Л. С. Сильченкова, В. И. Яшиналар болаларни ўқиш ва ёзишни ўрганишга тайёрлаш билан шуғулланишган.

Болаларнинг нутқини ривожлантириш – бу боланинг мактабда ўқишига тайёрлигининг кўрсаткичларидан бири бўлиб, ўқиш ва ёзишни муваффақиятли ўрганиш гаровидир, ёзма нутқ оғзаки нутқ асосида шаклланади.

Қорақалпоғистон Республикасида ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган давлат таълим муассасаси (мактаб - интернати) да ҳам таълим – тарбия жараёнлари ушбу дастурга асосланган ҳолда олиб борилади.

Ихтисослаштирилган ақли заиф болалар мактаб – интернати қорақалпоқ синфларида шу кунга қадар ўз она тилларида ақли заиф болалар учун маҳсус дарсликлар хаттоқи алифбонинг яратилмаганлиги қўйида келтириб ўтиладиган саводга ўргатиш усулларининг ижросининг кешиктирилишига ва уларнинг болалар томонидан ўзлаштиришига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Мактаб интернат ўзбек тилидаги маҳсус дарсликлар билан таъминланган. Лекин таълим тили қорақалпоқ тили бўлганлиги боис ўқитувчилар қорақалпоқ тилидаги оммавий мактабларнинг дарсликларини фойдаланишга мажбур. Бунинг асосий сабабларидан бири ўзбек ва қорақалпоқ алифбосидаги ҳарфлар ва уларнинг талаффузидаги тоғовутдир. Ўзбек тилида 29 ҳарф бўлса, қорақалпоқ тилида эса 34та ҳарф мавжуд. Иккала тилда ам учрашадиган йirim ҳарфларнинг талаффузи ҳам икки хил. Ўзбекча О ҳарфи қорақалпоқ тилида русча О каби талаффуз қилинади. Яъни бола “олма”, “нон” сўзини ўқиганда уни русча талаффуз қилгани каби ўқийди. Ваҳоланки, қорақалпоқ тилида ушбу сўзлар “алма”, “нан” деб ўқилиши лозим.

Ўзбекча нг дифтонги ва ъ (‘) тутук белгиси қорақалпоқ тилида учрамагани каби, қорақалпоқ тилида (ı, ú, ñ, á w, c) ҳам ўзбек алифбосида учрамайдиган ҳарфлар мавжуд.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳарфларнинг ўргатилиш кетма – кетлиги ҳам бир – бирига тўғри келмайди. Ўзбек тилида биринчи О о, А а, И и, Ў ў ҳарфларидан бошланса, қорақалпоқ тилида саводга ўргатиш ишлари А а, Н н, Л л, О о ҳарфларидан бошланади. Шу каби ҳолатлар қорақалпоқ тилида саводга ўргатиш ишларининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда.

## ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрларга қўра болани ўқиш ва ёзишга ўргатишда майда қўл моторикасини ва билиш жараёнларига хизмат қиласиган кўрув идроки, фазовий мўлжал олиши, фонетик – фонематик эшикни ривожлантириш саводга ўргатишда зарур шартларнинг биридир. Албатта бу ишлар алифбегача бўлган даврда амалга оширилиб, интеллектида нуқсони бўлган болаларни алифбе даврига тайёрлаб боради.

Алифбе даврида саводга ўргатиши жараёнини самарали ташкил этиш ҳам болалар таълим оладиган тилнинг фонетик-фонематик хусусиятларини инобатга олган ҳолда олиб борилиши билан ҳам боғлиқдир.

Келтирилган қатор муаммоларни ҳал этиши ва қорақалпоқ синфида таълим оладиган ақли заиф болалар билан саводга ўргатиши жараёнини самарали ташкил этиш учун тилнинг фонетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда дастур, дарслик ва методик тавсияларни ишлаб чиқишидек муҳим вазифаларни олдимишга қўяди.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙЗАТИ

1. Arukhan Otebaeva – “Issues to improve literacy training of students with disabilities in karakalpak language” The American Journal of Social Science and Education Innovations – 2021 y. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue03-75>
2. Otebaeva A.O. Qoraqalpoq tilida ta'lim oladigan aqli zaif o'quvchilarni savodga o'rgatishdagi muammolar “Maktab va hayot” ilmiy-metodik jurnal №2 (158)/2021. 15-18 betlar
3. Dilbar Nurkeldieva “A Modern Approach To The Psychological And Pedagogical Diagnosis Of Developmental Disorders In Children” The American Journal of Social Science and Education Innovations. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume03Issue03-71>
4. Нуркелдиева Д.А. Ақли заиф болаларнинг мактаб методлари таълимига нутқий тайёргарлигини аниқлаш Дисс.канд.пед наук. Тошкент – 2001 йил.
5. А.Бекбергенов. Қарақапақ тилин изерталеўшилар . Нукус “Қарақалпақстан” – 1984 йил. 88 – бет
6. В.С.Рахманова – Она тилини ўқитиши маҳсус методикаси . Тошкент – 2013 – йил